



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 27 апрель, № 84 (7042)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ ВА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель куни “Обод қишлоқ” дастурини амалга оширишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди. Асосий эътибор “Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалаларга қаратилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Лекин олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий одамларнинг яшаш шaroитини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмади. Бундай ҳолат ўша ҳудудлар аҳолиси эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бундай муносабатга чек қўйилиб, аҳолининг яшаш шaroитини янада яхшилаш бўйича аниқ ва мақсадли тизим яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ дастури тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, жорий йилда ҳар бир туманда 2 тадан қишлоқда, кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқда кенг қўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилади.

“Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ва унинг ҳудудий штаблари томонидан жорий йилда обод қилинадиган 368 та қишлоқ рўйхати тузилди, тасдиқланди.

— Кейинги 25 йил мобайнида намунали ўй-жой қурилиш хисобга олмаганида, қишлоқларнинг таш

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур банд талабларига мувофиқ Кенгашга аъзолик бадалларини ўқитиб бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

5. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

уйма-уй юриш орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, қўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини даврий мониторинг қилиб бориш;

Кенгаш аъзолари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига тегишли ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар бериш;

туман ҳокимларига фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ер қонуңчилигига мувофиқ тутатиш зарурлиги тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақлифлар киритиш.

6. Барча кишлоқ туманларида асосий вазифаси қуйидагилар орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатиш хисобланган “Томорқа хизмати” МЧЖлар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, қўчатлар, таралар, техника ва бошқа воситалар етказиб бериш;

# Ўзбекистон — Туркия: Буюк тарих бунёд этган икки улۇф халқ

✓ 2016 йилда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1,5 миллиард доллардан ошди.

✓ Ўтган йилнинг ўзида юртимизда турк ишбилармонлари инвестицияси иштирокида 20 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди, 53 компания ваколатхонаси аккредитацидан ўтказилди.

✓ Бугунги кунда мамлакатимизда Туркия капитали иштирокидаги 550 дан зиёд фирма ва компаниялар фаолият юритмоқда.

## Кўнгиллар яқин, ниятлар муштарак

Туркия деганда, юртдошларимизнинг аксарияти мазкур давлатни Истанбул, Анкара, Анталия каби машҳур шаҳарлари, бетакрор тарихий обидалари, туризм салоҳияти, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари, таникли санъаткорлари, оммабоп фильм ва сериаллари орқали яқини танийди. Иш юзасидан, сайёҳ сифатида ушбу мамлакатда бўлганлар, табиийки, бу борада кўпроқ тасаввурга эга. Ҳатто бундай имкониятдан фойдаланмаганлар ҳам, ҳеч бўлмаганда, юқорида санаб ўтилган жиҳатлардан қисман хабардор.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ташаббуси билан Туркияга қилган иходий сафаримиз давомида расмий идоралар, бизнес вакилларини қўя туринг, оддий одамлар, ҳоҳ у такси ёки автобус хайдовчиси, ҳоҳ меҳмонхона хизматчиси ёхуд ишчи бўлсин, суҳбатлашиб, илк хулосамиз шундай бўлдики, мазкур мамлакат аҳолиси ҳам Ўзбекистонни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби афсонавий шаҳарлари, ноёб ёдгориқлари орқали яқини танийди ёки улар тўғрисида етарли маълумотга эга. Сайёҳ сифатида ана шу кентларимизни томоша қилиб, миллий таомларимиздан татиб, халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатидан хайратга тушганлари, хали-ҳануз ўша таассуротларини ёдга олганда, мароқ билан гапириб берадиганлари ҳам кўп. Ўзбекистон тўғрисида “ота юртимиз” деган ибора бот-бот қўланилади. Бундай меҳрга йўғрилган изҳорлари тинглаганда, Анкарада Амир Темуր боғи, “Тошкент” кўчаси, Коньяда Тошкент тумани, Истанбулда ўзбек маҳалласи, Самарқанд маданият маркази, қолаверса, ушбу гўзал шаҳримиз номи билан юртилувчи телерадиоканал борлиги, қатор ҳудудларда ўзбек ошхоналари фаолият юритаётганини кўрганда қалбда ўзгача хис-туйғулар жўш уради. Дарҳақиқат, бу икки халқ бир-бирига ҳар жиҳатдан яқин, шунинг учун ҳам бир-бирига “дўстим, қардошим” дея ҳурматини билдиради.

Шу ўринда Туркияга оид айрим факт ва рақамларни ҳам келтириб ўтсак. Мамлакатда 81 провинция мавжуд. Аҳоли сони айни пайтда 81 миллион нафар. Нуфуси кўплиги бўйича Истанбул (16 миллионга яқин), Анкара (5 миллион 445 мингдан зиёд), Измир (қарийб 4 миллион 300 минг), Бурса (3 миллион атрофида), Анталия (2 миллион 400 минг нафардан ортиқ) шаҳарлари олдинчи ўринларда туради. Иқтисодий салоҳиятга қўра, Туркия дунёдаги катта йигирматаликка кирувчи давлатлардан бири саналади. Жаҳон банки прогнозига қараганда, мамлакат иқтисодиёти жорий йилда 6,2 фоиз ошадди. Бу Европадаги энг юқори кўрсаткич.



кичдир. 2017 йилда мамлакатнинг ташқи савдо айланмиси 345 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, хусусан, экспорт ҳажми 154 миллиард долларга тенг бўлди.

Туркиянинг турли соҳалардаги ютуқларини ўрганиш, илгор тажрибаларидан фойдаланиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга турк тадбиркорлари ва компаниялари сармояларини жалб қилиш мамлакатимиз манфаатларига тўла мос келади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг улкан бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қўлай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжолари Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яъни ҳамкорликни мустақамлашдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор.

Сафаримиз номайида Анкара, Конья, Истанбул шаҳарларида бўлиб, турли соҳа вакиллари, аҳолининг мамлакатимиздаги ислохотлар, ташқи сис-темиздаги ёндашув ҳақидаги фикрлари билан қизикдик. Диққатга сазовор жойларини бориб кўрдик. Бу жараёнларни ташқиштиришида Туркия Бош вазири девони кузуридаги Матбуот ва ахборот бош бошқармаси, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси яқиндан қўмақлашди.

## “Ўзбекистон Президентидан интервью олиш — орзуимиз”



Туркия медиа соҳаси ҳам анча ривожланган. Бу ерда давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари соғлом рақобат асосида фаолият юритади. Мамлакатда “Turkuvaz Medya Grubu” хусусий компанияси алоҳида ўринга эга бўлиб, таркибда “Atv”, “a2”, “A haber”, “A Spor” каби 15 га яқин машҳур ихтисослаштирилган телеканаллар, ўндан ортиқ радиоканал, “Sabah”, “Daily Sabah” сингари номдор газеталар, халқаро миқёсга чиққан журналлар, кенг омма эътиборига тушган интернет сайтлар бор. Ушбу медиа компанияси фаолияти билан яқиндан танишиб, “A news” телеканалининг хабар ва эфирга узатиш координатори Орхан Сали билан мулоқот қилдик.

— “A haber” — Туркиянинг энг кўп томоша қилинадиган инфор-мация телеканалидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Мен ушбу ка-налда саккиз йилдан бери ишлай-ман. Касбимиз ахборотни оммага биринчи бўлиб етказишни тақозо қилади ва бутун жамоамиз мана шу йўлда астойдил интилоқда. Наттижада тахминан 30 — 40 ой-дирик, Туркиядаги рейтингда юқори ўринда турибмиз. Бизнинг асосий йўналишимиз мамлакатимиз раҳбари Режеп Таййип Эрдуғон юриятбегани сийсатдан, Туркиядаги янгиликлардан дунё ахлини хабардор қилиш.

Бугун глобаллашув даврида, ахборот хуружи кучайган бир шароитда яшаймиз. Хориждаги айрим ноҳолис ҳамкасбларимиз

Туркия ҳақида нотўғри фикрларни шакллантиришга уриниб, бўхтон хабарларни ҳам тарқата бошлаган-дан кейин компаниямиз ўтган йили инглиз тилидаги “A news” телека-налинми ташкил этишга қарор қилди. Мен шу телеканалга масъулман. Биз янги телеканал орқали дунё ахлига Туркиянинг асл қиёфасини, эзгу ниятли давлат эканлигини уларнинг ўз тилида кўрсатишга ин-тилаймиз. Ахборотларни, шунинг-дек, немис ва араб тилида ҳам эфирга узатами. Яқин келажақда рус ва хитой тилини йўлга қўйиш ниятидамиз. Туркияда 90 нафарга яқин, қарийб 30 та давлатда 50 та муҳбиримиз бор. Бизни кенг ауди-тория — оддий одамлардан тортиб сийсатчиларгача кузатади.

Дўст ва қардош давлатлар

ҳақида доимо яқин хабарлар тай-ҳёрлаб, жаҳон ахлига тақдим қилиш ҳам фаолият йўналиши-мизнинг муҳим бир қисми сана-лади. Шу маънода, сўнгги йил-ларда Туркия ва Ўзбекистон ўрта-сидаги муносабатлар жадал ри-вожланиб бораётганидан ҳамма-миз беҳад мамнудим. Чунки ма-даниятимиз, анъаналаримиз ўх-шаш, қарашларимиз яқин. Биз ҳамжамиятликда қўп нарсаларга эришишимиз мумкин. Медиа со-ҳасида ҳам шундай ҳамкорлик мустаҳкамланишини истардик. Афсуски, бизнинг компаниямиз Ўзбекистон оммавий ахборот вос-ситалари, хусусан, телеканалла-ри билан у қадар яқин эмас. Ле-кин алоқалар йўлга қўйилишини жуда хоҳлаймиз. “Turkuvaz Medya



Grubu” номидан айтишим мумкин-ки, биз бунга тайёриймиз. Тўғри, юртингиз ҳақида шу пайтгача қўллаб хабарлар узат-дик ва бу жараён изчиллик касб ҳамжамиятликда қўп янгиликлар-нинг асосий қисмини ахборот агентликлари орқали оламиз. Биз мамлакатингизда муҳбиримиз бўлишни, иходий жамоамиз би-лан бориб, Ўзбекистоннинг тари-хи буюк, бугун жадал ривожла-ни бораётган давлат эканлиги-ни ўз видеоматериалларимиз ор-қали намойиш қилишни истаймиз.

Энг катта максадларимиздан бири — Ўзбекистонни янги мар-рала сари дадил олиб чиқаётган, кучли сийсатчи, халқаро майдонда юксак мавқега эга Президент Шавкат Мирзиёевдан интервью олишдир. Бу суҳбатни амалга оши-ра олсак, инглиз, немис, араб тил-ларида эфирга узатишни режалаш-тирамиз. Умид қиламизки, ана шу ниятимиз рўёбга чиқади.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқига, ҳамкасбла-римга муваффақиятлар доимо ёр бўлишини тилайман!

Истанбул Европа ва Осиёни бир-бирига боғлаб турувчи, мамлакат тарихида, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи шаҳар ҳисобланади. Савдо-сотик, саноат юксак даражада ривожланган. Мисол учун, Туркия савдо соҳаси ҳажмининг қарийб 30 фоизи ушбу кент ҳиссасига тўғри келади. Йирик бизнес ва саноат марказлари мавжуд. Бир қанча хусусий банклар, фирмалар, машҳур телеканаллар, тахририятларнинг бош офиси шу ерда жойлашган. Тарихий масканлари, ёдгориқлари кўплиги, денгиз соҳили, юқори даражали сервис хизмати туфайли Истанбул бутун дунёдан туристлар эътиборини жалб қилади. Ҳар йили ўртача 7 — 9 миллион нафар атрофида хорижлик сайёҳлар таширф бўуоради. Бу ерда оддий меҳмонхоналардан тортиб, беш юлдузли бўлганларини ҳам топиш мумкин.

## “2020 йил: Ўзбекистон дунёни ҳайратга солади”

Истанбулда Туркия Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитасининг Туркия — Ўзбекистон ишбилармон-лар кенгаши раиси Иззет Эмекчибаши билан учрашиб, мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкор-лик алоқалари, ҳаётга татбиқ этилаётган йирик лойиҳалар хусусида суҳбатлашдик.

— Аввало, Туркия Ташқи иқти-содий алоқалар қўмитаси ҳақида қисқача айтиб ўтайдиган бўлсам, унинг таркибиде бир қанча хол-динглр, компаниялар, фирмалар мавжуд бўлиб, фаолияти ташқи савдо, халқаро инвестициялар, хизматлар кўрсатиш, логистика ва бошқа жабҳаларда иқтисодий ҳам-корликни мустақамлашга қаратил-ган, — дейди суҳбатдошимиз. — Масалан, мен қўрилиш соҳасига ихтисослаштирилган “Gentes” ком-паниялар гуруҳи раҳбари сифати-да ушбу қўмита аъзосиман. Биз саноат объектлари, тураржойлар, банклар, таълим ва соғломлашти-риш муассасаларини қуриш, ин-жиниринг хизматлари қўрсатиш, тарихий объектларни реставрация қилиш каби қатор йўналишларда фаолият олиб борамиз.

Туркия — Ўзбекистон ишбилар-монлар кенгаши раиси сифатида икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашга ҳар бири бебаҳо дурдоналар-дир. Масалан, “Маснавийи маънавий”ни инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида на-фақат Шарқда, балки Фарбда ҳам ихлос билан ўрганишган.

“Мавлоно музейи”да алло-манинг асарлари, шахсий бўмлари, либослари, турли китоблар, қандиллар, мусийиқ асбоблар сақланади. Кутубхо-нада қўлда ёзилган 4 мингдан ортиқ тарихий адабиётлар мавжуд бўлиб, эътиборлиси, ана шу асарлар барчасининг CD шаклидаги электрон нус-халари ҳам яратилган. Бу ман-зилнинг Туркия зиёрат туриз-мида қанчалик муҳим ўрин ту-тишини битта рақам билан изоҳлаш мумкин: ҳар йили бу ерга дунёнинг турли нуқтала-ридан, турли миллат ва динга мансуб 3,5 миллион нафар сайёҳ ташриф буюраркан.

Туристларга ушбу табарруқ манзил ёнгинасида жойлаш-ган янги музейи ташриф буюриш ҳам тавсия этилади. Музейнинг пастки қаватидаги деворларга Жалолиддин Румийнинг болалигидан то сўнгги кунларигача бўлган умр йўли тасвирланган, қўлда чизилган суратлар осилган.

Юқори қаватдаги томоша залида қадимий Конья, унинг аҳолиси турмуш тарзи макет-лар шаклида, ҳудди жонлидек гавдалантирилган. Шундай ёрқин таассурот ва ўзгача хис-туйғулар оғушида навбатдаги манзил — Истанбул сари йўл олдик.

йилни эмас, мана шу охириги олти ойдаги ўзгаришларни мисол сифа-тида айтганимда ҳам — ҳайратла-нарли, дея таърифлаган бўлардим. Аэропортдан ўтиш жуда осонлаш-ди, Туркия фуқаролари учун ҳам Ўзбекистонда 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий қилинди. Ташқи сийсатда, аввало, қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилашга алоҳида аҳамият қа-ратилиб, барча муаммолар барта-раф этилди. Одамлар қўшни давлатларга эмин-эркин бориб келишаётганига гувоҳман. Булар ўз-ўзидан бўладиган ишлар эмас. Жуда катта натижалардир ва халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Шу орқали Ўзбекистон-нинг имижни қўтарилиб борапти.

Яна бир жиҳат. Бир пайтлар турли сабабларга қўра, айрим ил-мий салоҳиятли инсонлар, ишби-лармонлар Ўзбекистондан бошқа давлатларга кетиб, фаолиятини давом эттира бошлаганди. Улар аслида мамлакат учун керак. Президент Шавкат Мирзиёев бу борада ҳам жуда оқилона сийсат юритиб, ана шундай инсонларни Ватанга қайтариш, Ўзбекистон-раққўйига ҳисса қўшишга чорла-моқда. Қандай шароит зарур бўлса, яратиб беришга интиляпти. Наттижада бу борада ижобий ҳолатлар қўзга яққол ташланмоқ-да. Хорижий инвесторларда ҳам мамлакат бозорига қизиқиш кучай-ди. Хусусан, ҳозир Туркия ишби-лармонларни яна Ўзбекистонга қайтиш, бизнесини йўлга қўйиш истагида.



Ўзбекистон раҳбари билан Туркияга давлат ташрифи чоғида учрашиш насиб этди. Бундан жуда мамнунман. Мен дунё кезган бир табдиркор сифатида Шавкат Мирзиёевнинг иш тажрибасию фазилатларидан ҳайратга тушман.

Унинг таркибидан қушхона, музлат-кичи омборхоналар, гўшта иш-лов бериш, гўшт ва қолбаса маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш, қадок-лаш шехлари, битта савдо дўқони ўрин олади. Тери ва чиқиндилар-нинг барчаси қайта ишланади. Ҳатто ана шу жараёнларда фой-даланилган сув ҳам тозаланиб, деҳқончилик учун етказиб берила-ди. Бундан ташқари, Туркиядан ҳам хом ашё сифатида чарм олиб бо-риб, сумка, камар ва бошқа чарм-атторлик маҳсулотлари тайёрлаш қўзда тутилган. Мақмуа тўлиқ қув-ват билан фаолият бошласа 2500 кишининг бандлиги таъминланади.

— Ўзбекистонда сўнгги йиллар-да қўзатилаётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотлар, хорижий инвесторлар учун яратилаётган му-ҳит ҳақида нималар дея оласиз? — сўраймиз ундан.

— Мен юртингизга илк бор анча йиллар илгари борганим, — дей-ди Иззет Эмекчибаши. — Очиги, ўша даврларда аэропортдаёқ шу даражада мураккаб расмийатчилик-ка дуч келардингизки, одам безиб кетарди. Орадан кўп вақт ўтди. Сўнгги пайтларда лойиҳаларимиз ижроси юзасидан Ўзбекистонга тез-тез сафар қилаяман. Ҳар бир янгилик ташқаридан қараган одам-га яққолроқ кўринади. Фарқ ос-мон билан ерча. Мен бир ёки икки

Бугунги ислохотлардан Ўзе-бекистон фуқаролари ҳам мамнун эканлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон раҳбари билан Туркияга давлат ташрифи чоғида учрашиш насиб этди. Бундан жуда мамнунман. Мен дунё кезган бир табдиркор сифатида Шавкат Мирзиёевнинг иш тажрибасию фа-зилатларидан ҳайратга тушман. У узққни қўра билади, халқнинг ҳаётидан яқин хабардор, аҳами-ятлиси, ишни марказда туриб олиб бормайди. Вилоятма-вилоят, қиш-локма-қишлоқ кезиб, одамларнинг аҳолини ўрганади. Борган жойи-да бирор муаммо қўрса, дарров ўша масалани ечиш бўйича мута-сиддиларга тегишли топшириқлар беради. “Тортолмаган” раҳбарлар-ни вазифасидан олиб, ўрнига бошқасини қўяди. Синайди, инти-лиши кучли қадр бўлса, қўллаб-қувватлайди. Наттижада ислохотлар олис ҳудудларга ҳам етиб бораеп-ти. Айниқса, хорижий тилларни би-ладиган, замонавий фикрлайдиган ёш мутахассисларга алоҳида аҳамият қаратаётгани диққатга сазовор.

Шулардан келиб чиқиб шахсан мен бир фикрни билдиришни истардимки, 2020 йилдан кейин Ўзбекистон бутунлай бошқача, жадал ривожланган давлат сифа-тида намоён бўлади.

...Албатта, Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари янги бошқича чиқиб бораётгани, унинг ҳаётий ифодаларини битта мақолага сифдириш мушкул. Ҳозирги натижалар юксак марраларнинг дечобаси ҳолос. Буюк тарих бунёд этган икки улуг халқнинг ҳамжамиятликда эришадиган келгуси ютуқлари, шубҳасиз, навбат-даги материалларимизга мавзу бўлади.

Шавкат ОРИҚОВ,  
“Халқ сўзи” махсус муҳбири.  
Тошкент — Анкара — Конья — Истанбул — Тошкент  
(Муаллиф олган суратлар).



Биз ишлаб чиқариш соҳасида кўп нарсаларни янгидан ташкил қилишга ҳаракат қиламиз, бу яхши. Лекин мавжуд, даромад топса бўладиган тармоқларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳам асосий эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Қоракўлчилик: «СУР ОЛТИН» КОНЛАРИ КЎЗ ОЧМОҚДА



## Халқ яратган мўъжиза

Қоракўл қўйларини ана шундай аташ мумкин. Негаки, ушбу зот халқ селек­цияси маҳсулидир. Тарихий маълумот­ларда қоракўл қўйлари саккизинчи аср­да араб қўй зотлари билан чатишти­риш натижасида юзага келгани қайд этилади. Юртимизнинг баъзи ҳудудла­рида “араби қўйлар” деб аталиши ҳам фикримиз тасдиғидир. Бу зот, асосан, Бухоронинг Қоракўл мавзесида боқ­лани тугфайли илмий тилимизга “қоракўл” атамаси билан кирган.

Қоракўл қўйларидан олинадиган тери қадимдан қадрланган. Дастлаб унинг жунидан кигиз, гилам, чакмон тайёр­ланган бўлса, кейинчалик мўйнасига алоҳида эътибор қаратилган. Савдогар­лар томонидан қоракўл терилари совуқ ўп­каларга, хусусан, Россияга элтиб, со­тилган. Юртимизда ҳам қимматбаҳо те­рилардан тиклган бош кийимлар маш­хур бўлган. Ўзининг чидамлилиги, ис­сиқлиги, ёрқин товланиши ва бошқа ху­сусиятлари билан одамларни мафтун этган бу мўйналарга қизиқиш муттасил ошиб бorgan.

Ўн тўққизинчи асрга келиб, қоракўл териларига талаб ниҳоятда кўпаяди. Кўп­лаб давлатларда унга қизиқиш, на­фақат сотиб олиш, балки етиштириш­га иштиёқ пайдо бўлади.

Бугунги кунда дунёнинг 190 мамла­катида боқиладиган қўйларнинг сони тахминан икки миллиард бошга етади. Улар махсулот беришига қараб, 570 зотга бўлинади. Қоракўл қўйларининг сони эса тахминан 30 миллион бошдан ортади. Улар жаҳоннинг 16 давлатида парваришланади. Намибия ва Афғонис­тон қоракўл тери етиштириш бўйича дунёда етакчилар сафида туради. Юр­тимизда эса 6 миллион бошдан ор­тиқ қоракўл қўйлари парваришланади. Аммо асосий генофонди юртимизда бўла туриб нега биринчилики қўлдан бой берганмиз?

## Қимматга тушган илтифот

Шу ўринда бир тарихий ҳақиқатни айтиб ўтиш жоиз. Биламизки, қоракўл қўйлари, асосан, Бухоро хуа­ду­дида етиштирилган. Уларни четга чиқариш эса тақиқлаб қўйилган. Аммо оломон элчиси бунинг уддасидан чиққан. У 1910 йилда амир кўнглига йўл топиб, 10 бош совлиқ ва 2 бош кўчқорни олиш илтифотга сазовор бўлади. Ол­монлар юртимиз иклимига ўхшаш жой сифатида Намибияни танлашади. Бу ерда қўйлар мослашганига ишонч

ҳосил қилин­гач, 1912 йили Бухородан яна 50 бош қўй ва 12 та кўчқор олиб кетилади. У ерда қоракўл қўйларини чатиштириб, Бухоро қоракўлига ниҳо­ятда ўхшаш, қимматбаҳо мўйна берув­чи “Свакара” деб ном олган янги зот яратишади.

Бугунги кунда Намибияда йил­ига 140 мингдан ор­тиқ қоракўл терилар етиштирилади. Свакара қоракўл тери­лари дунёда энг қимматбаҳо ва си­фатли саналади. Битта терининг нар­хи Копенгагендаги “кимошди” савдо­ларида 60 АҚШ долларидан 200 АҚШ

ди. Бизда эса бу кўрсаткич сал пастроқ 8 — 11 дм². Қолаверса, афғон қоракўл қўйларининг махсулдорлиги ҳам баланд. 100 бош совлиқдан 120 — 130 бош кўзи олинади. Бизда эса бу кўрсаткич 95 фо­изни ташкил этади. Ҳўш, бир насл бўлса, нега биздаги кўрсаткичлар пасайиб кетди?

Буларнинг барчаси бир пайтларда­ги сон ор­тидан кувиш натижаси. Айни шу жиҳат ўтган асрининг иккинчи яр­мидаги матбуот саҳифаларида кўп уч­райдиган бир жумлани ёдга солади: “режа 200 фоизга ба­жарилди”. Кан-

ЭЪТИРОФ

**Рафазель КУШАК,**  
**Ҳарвард университети профессори,**  
**биология фанлари доктори (АҚШ):**

— Ўзбек қоракўли ҳақида кўп эшитганман. Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан бу неъмат хусусида суҳбатлашганман. Дунёда бундай халқ селекцияси маҳсули ноёб ҳисобланади. Очиги, бир пайтлардаги унинг селекциясига сунъий аралашувдан ниҳоятда ачинганман. Бу жуда қимматга тушди. Ўзбек қоракўли тараққиёти сусойиб қолди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислохот­лорда аънонавий йўналишлар, хусусан, қоракўлчиликка қаратилаётган эътибор ушбу ноёб навни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, уни иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига ойлантириши турган гап. Бу сазй-ҳаракатлор жаҳонга “ўзбек қоракўли” брендини яна олиб чиқишига ишонаман.

долларигача баҳоланадиган ушбу мах­сулотлардан “Prada”, “Gucci”, “Valentino”, “LouisVuitton”, “RobertoCavalli” каби машхур бренд­лар фойдаланиб келмоқда.

Буни қарангки, дунёда қоракўл тери етиштириш бўйича етакчи бўлган Афғонистонда ҳам Бухородан олиб ке­тилган насли қўйлар асосий ўрин туг­ган. Йигирманчи асрнинг бошларида Афғонистон худуди­га Бухородан бир миллион бошдан ор­тиқ қоракўл қўйла­ри ҳайдаб кетилган. Айни вақтда Афғонистоннинг 19 вилоят­ида шу зотдаги қўйлар боқилади. Бир йилда 500 минг донадан ор­тиқ қоракўл тери ва 14 минг тонна жун экспорт қилина­ди. Битта тери жаҳон бозорида ўрта­ча 100 АҚШ долларидан сотилади.

## Эътиборсизлик оқибати

Афғонистонда қоракўл қўзиларининг териси сатхи 16 — 20 дм²ни ташкил эта-

дай қилиб? Албатта, қўйлардан кўп насл олиш мақсадида кимёвий мо­далар ва гормонал рағбатлантирувчи воситалар, яъни ўша машхур “СЖК” ёрдам­ида. Оқибат нима бўлди? Қўйлар битта ёки иккита ўр­нига тўрт-бешта­лаб тугъди. Кичик-кичик, каламушдай қўзилар ёппасига мўйнага топширил­ди. Табиат ишига аралашув наслга зарар етказди.

Ййловлардан фойдаланишда ҳам ис­тиқбол ўйланмади. Алмашлаб ўтлатиш ти­зимига эътиборсизлик оқибатида кўп­лаб серўт ййловлар фақат янтоғу ёвшанзор­ларга айланиб қолди.

Кейинги йилларда ҳам соҳага етарли эътибор қаратилмагани тармоқнинг та­раққий этишига замин яратмади. Кола­верса, табиий таъсирларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

— Ўзбекистонда чўл ва яримчўл та­биий ййловлари 32 миллион гектарни ташкил этади, — дейди Ўзбекистон қора­кўлчилик ва чўл экологияси илмий-тад­қиқот институт­и директори Насрулло Бобоқулов. — Шундан 30 фоизга яқини

қоракўлчилик ййловлари майдони ҳисоб­ланади. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон қоракўлчилик ййовла­рининг қарийб 40 фоизида турли дара­жадаги инкироз юз берган. Фақат қудуқ­лар атрофидаги кучли инкирозга учра­ган ййловлар майдони 0,5 миллион гек­тар, кўчма кўм массивлари майдони эса 2 миллион гектарни ташкил қилади. Шун­дан 14 фоизи сув билан таъминланма­ган. Қолаверса, биз соҳага инновацион ёндашувни амалга оширмадик. Ҳозир биздан сув қудуқларини инвентаризация қилиш, инновацион технологиялар асо­сида ишловчи қудуқларни йўлга қўйиш, мавжудларини реконструкция қилиш талаб этилмоқда. Бундан ташқари, қари қўйларни бўрдоқига боқиб, гўшт ишлаб чиқариш ҳажми ва ййловлар ҳосилдор-



яхши биламиз, — дейди биология фан­лари доктори, академик Бакриддин Зарипов. — Фақат хом ашё — тери, мўйна ва жун билан биз кўзлаган мақ­садимизга эриша оlmаймиз. Демак­ки, чукур қайта ишлаш, етиштириш­дан тортиб, қайта ишлашгача бўлган жараённи бир занжирда бирлаштириш зарурати юзага келмоқда. Яъни қора­кўлчиликда кластер тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, кластер на­фа­қат инновацион йўналиш, балки илм, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси­ни ўзида мужассамлаштиргани билан соҳани жадал ривожлантириш имко­нини беради.

“Қоракўлчилик — енгил саноат” клас­тери йўлга қўйилса, нафақат енгил са­ноат, балки озиқ-овқат саноати, фар­мацевтика каби ўнлаб тармоқлар ҳам қамраб олинади. Бунда хом ашё бир тизим томонидан барча қайта ишлаш жараёнлари­дан ўтказилиб, юқори си­фатли тайёр якуний махсулотга айлан­тирилади. Шунда биз дунёга нафақат қоракўл терилари, балки ундан тайёрланган экологик соф кийим-кечаклар, фармацевтика махсулотлари­ни “Ўзбек қоракўлидан тайёрланган” бренди остида чиқара оламиз.

## Чўлда ҳаёт ифори

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти­нинг маълумоти­га кўра, сўнгги 40 йил и­чида сайёрамиздаги экин етиштириш учун яроқли ерларнинг деярли учдан бир қисмининг унумдорлиги йўқолган­лиги сабабли у ерни одамлар тарк эт­ган. Мамлакатимиз ўзининг журғорий ва иқлим хусусияти билан экологик та­назуулга, айниқса, ўсимлик қоплами ва чўл экотизимларининг таназзулига жуда ҳам таъсирчан.

Демак, дунёни ташвишга солаётган қургўқчилик ва саҳроланиш муаммоси бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Натижада минглаб гек­тар ер шўрланган, чўлланишга юз тут­моқда. Минглаб гектар ййловларнинг ке­лажаги хавф остида қолмоқда. Чўлла­нишга қарши курашининг асосий йўнали­ши сифатида деградацияга учрамаган ҳамда бу жараён энди бошланаётган ер­ларда, ушбу муаммонинг олдини олиш­га эътиборни қаратиш лозимлиги ўқи­р­лаётёр.

Чўл ва яримчўл ҳудудларида яшовчи аҳолининг асосий даромад манбаи чор­вачилик ҳисобланади. Аммо чорванинг ййловларда тартибсиз боқилиши нати­жасида ушбу ҳудудларда ўсимликлар­нинг камайиб, баъзан эса буткул йўқо­либ кетишига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг қарорида ййлов­лардан оқилона фойдаланиш тизимига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Унда чўл ва яримчўлларга мослаш­ган ўсимлик турларини аниқлаш, улар­ни кўпайтириш чораларини кўриш, аҳоли фаровонлигини ошириш, аҳоли­нинг ййловга таъсирини камайтириш орқали экотизимни яхшилаш кўзда тутилган. Бухоро чўл ййлов озукабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказига юклатилган вази­фа­ларда бу ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қорвдорлар билан суҳбатлашсангиз, ййловларни асра­шининг яна бир омил­ини англайсиз. Моҳият шундаки, чорвачилик ҳудудлари узоқда жойлашган. Бу эса, ўз навбатида, электр, газ, ёқилғи таъмино­тини чеклайди. Маҳаллий аҳоли эҳтиёж учун чўл буталарини кесишга мажбур. Бу эса таъминотни яхшилаш масаласини юзага чиқаради. Бунинг энг мақбул йўли, дейишмоқда мутахассислар, муқобил манбалар — шамол, қўёш, сув энергия­ларидан фойдаланишни йўлга қўйишдир. Қарорда бу йўналишда ҳам имтиёзлар берилиши соҳанинг жадал ривожланиши­га хизмат қилади.

Қўй — қут-барак рамзи, фаровон­лик манбаи. Эътибор қилган бўлсангиз, кўй йилда бир марта қўзилайди, тиним­сиз сўзилайди. Таомномамизда доимо гўшт бўлади. Лекин уларнинг сони ҳеч камайиб кетмайди. Яна бир далил шун­даки, соҳага эътиборсиз қаралган ўтдан даврда ҳам уларнинг бош сони қарийб 2 баравар кўпайибди.

Мамлакатимизда шундай баракали соҳага қаратилаётган эътибор яқин ис­тиқболда унинг ривожини янги босқич­га олиб чиқиши муқаррардир.

**Намоз БОТМРОВ.**

## Анжуман

# 96,7 миллиард сўмлик суғурта тўлови амалга оширилди

*Суғурта хизматларига нисбатан аҳолининг ишончсизлик ҳисси ҳамон сақланиб турибди. Кўпчилик ҳалигача “Компаниялар сифатли хизмат кўрсатмайди, етказилган моддий зарар ўз вақтида тўланмайди”, деган фикрда.*

Аслида ҳам шундайми? Етказилган зарарни қоплаш ишлари қандай ҳал этил­моқда?

“Ўзгаросуғурта” акция­дорлик жамияти томонидан ташкил қилинган анжуман-

да шу каби саволларга батафсил жавоб берилди.

Маъзур суғурта компа­ни­яси йигирма бир йилдан буён аҳоли, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоғи­да суғурта хизматларини

кўрсатиб келмоқда.

— Суғурта ташкилотлари ўз зиммасидаги мажбуриятларини тўлиқ бажараяп­ти, — дейди “Ўзгаросуғур­та” акциядорлик жамияти бош менежери Мақсуд Носиров. — Мисол учун, бизнинг жамият томонидан суғурта даъволарини қўриб чиқиш ва ми­жозларга етказилган зарарни тез муддат­да тўлаш чоралари қўри­ла­ди. Биргина ўтган йили

96,7 миллиард сўмлик су­ғурта тўловлари амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, ай­нан қишлоқ хўжалиги тар­моғида, асосан, пахта ва галла етиштириш даврида юзага келган турли қўри­нишдаги зарарларни қоп­лаш учун 74 миллиард сўм маблағ ажратилган. Хусу­сан, Сурхондарё вилояти­дан 2200 дан ор­тиқ фер­мер хўжалиқларига қарийб 39 миллиард сўмлик, На­манган вилоятилик фер­мерларга 10 миллиард сўмлик моддий зарарлар қоплаб берилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

## Эътибор ва эъзоз оғушида

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Норкул бобо Беков авваллари тумандаги мактабларга, касб-хунар коллежларига тез-тез бориб, ёшлар билан суҳбатлар қурар эди. Ўғил-қизларда бобонинг жасорати ва матонати ҳамisha катта қизиқиш уйғотган. Шу боис энди болаларнинг ўзлари 94 ёшни қаршилаган уруш қатнашчисини кўпм уринтириб қўймаслик мақсадида хонадонига келиб, самимий суҳбатдан баҳраманд бўлишмоқда.



Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бу сафарги суҳбат мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ҳамда эътибор ҳақида бўлди. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳақида мамнуният билан гапирилди. Уруш қатнашчилари ҳамда ногиронларига 5 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофотининг берилиши

давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик намунаси экани эътироф этилди. — Бобонож, ўзингиз жанг қилган Россиянинг Брест шаҳрига ёки Польша шаҳарларига бориш ниятингиз йўқми? — деб сўради қизикувчан ўқувчилардан бири. Бобо мамнун жилмайди. Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан бориш имконияти берилганидан, ушбу сафар билан боғлиқ барча харажат қопланиши ҳақидаги хушxabардан болалар хабардор эканидан хурсанд бўлди.

— Насиб қилса, келгуси йили, албатта, бораман, — деди уруш қатнашчиси. — Бу йил эса мамлакатимиздаги нуфузли санаторийлардан бирида дам олиш ниятим бор.

Қизиқувчан болалар дам олишга қайси набирасини олиб бориши хусусида ҳам сўрадилар. Дарвоқе, қарорда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юбориш, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш белгилаб қўйилганини ёшлар газета саҳифаларидан ўқиб олишган экан.

Очиғи, ушбу масала Норкул бобони кўп ўйлантирди. Чунки набиралари 40 дан, эваралари эса 50 дан ортди. Бири-биридан одобли, бири-биридан хушфеъл. ...Урушдан қайтган аскар уй-жойли бўлди. Олти қиз, икки нафар ўғилни тарбиялади. Ўзи Қуйи Чирчиқ туманидаги ҳўжаликда тракторчи бўлиб ишлади. Топганларини яхшиликка, болалари тарбиясига сарфлади. Энди эса қарилик гапиди сўрмоқда. Бобо ҳали жуда тетик, сўзлари бурро. Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзи каби Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва эъзоздан беҳад мамнун.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Санъат

Айни кунларда Россия пойтахти Москва шаҳрида 40-халқаро кинофестиваль ўз ишини бошлади. Мазкур санъат байрамида режиссёр Рашид Маликов томонидан суратга олинган “Сабот” фильми ҳам иштирок этмоқда.

## «Сабот» — халқаро кинофестивалда

Ушбу асар фестивалнинг илк кунидеяк мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган ва Кинематографияни ривожлантириш марказининг қўллаб-қувватлаши билан нуфузли халқаро кинофестивалга тақдим этилган мазкур фильмда бош ролларни Карим Мирҳодиев, Саъдулла Мулдахонов, Нигора Каримбоева, Зулхумор Мўминова ижро этган. Фильмда инсон матонати, сабрқаноат, миллий қадриятларимиз тараннум этилган.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

## Балиқчилик: Инновацион ёндашув, самарали механизм

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида Президентимизнинг жорий йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгилаб берилган вазифалар, тармоқ олдида турган масалалар, унинг истиқболи муҳокама этилди.

— Ҳозирги кунда республикаимизда балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали аҳолига қўшимча даромад топиш манбаини яратиш, тармоқда инновацион технологияларни жорий этиш устувор вазифалардан бирига айланмоқда. — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Руҳулла Курбанов. — Тўғри, кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида иқтисодиётимизда балиқчиликнинг улуғи ортиб бормоқда. Шунга қарамайдан, тармоқда инновацион ишланмаларни жорий этишни жадаллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Президентимиз қарори айнан шу каби масалалар ечимини топишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу, аввало, Тошкент вилоятида “Балиқ ишлаб чиқарувчи” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилишида намоён бўлади. Чунки ушбу ҳудудда юқоридаги масалаларнинг барчаси қамраб олинади. Яъни бу ерда наслдор балиқ личинкалари етиштирувчи инкубацион цех, юқори оксигенли озуқалар ишлаб чиқариш линиялари, балиқ ишлаб чиқариш бўйича замонавий комплекслар ташкил қилинади, интенсив технологияларни жорий этиш имкониятлари янада кенгайди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, келгусида экспорт қилишни йўлга қўйишга шарт-шароит яратди.

Шу ўринда мазкур эркин

иқтисодий зона қачон иш бошлайди, деган савол туғилиши табиий. Бу саволнинг жавоби ҳам қарорда акс эттирилган. Яъни “Балиқ ишлаб чиқарувчи” эркин иқтисодий зонасининг оператив бошқарув органи Дирекция бўлиши ва у Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида бир



Бугунги кунда республикаимизда 3600 дан ортди балиқчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда балиқ истеъмол қилишнинг йиллик минимал меъёри 12 килограмм этиб белгиланган.

Дунё бўйича эса ушбу миқдор 16,6 килограммга тенгдир.

ой мuddат ичида ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Демак, шундан сўнг у ерда иш бошлаш тўғрисида мурожаат қилиш мумкин.

Бугунги кунда республикаимизда 3600 дан ортди балиқчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда. Сув ҳавзаларининг умумий майдони 595,3 минг гектари, табиий сув ҳавзалари эса 562 минг гектардан зиёди ташкил қилади. Маълумотларга қараганда, 2017 йилда уларда 80 — 85 минг тонна балиқ етиштирилган. Буни киши бо-

(осётр)лар етиштирилади. Бундан ташқари, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида балиқчилик соҳасига бакалавр йўналишида қабул квоталари икки баробарга кўпайтирилди. Буларнинг барчаси келгусида балиқчилик тармоғининг янада ривожланишига, халқимиз дастурхони парҳез ва шифобахш нёъмат билан бойишига хизмат қилади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳриратга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6

**TURON BANK**

Барқарорлик белгиси!

**S&P Global**

халқаро рейтинг агентлиги 2018 йилда

«ТУРОНБАНК» АТБ

рейтинг баҳосини

«В/В»

даражасига кўтариб, истиқболини «БАРҚАРОР» дея эътироф этди.

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**

**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

ёғлилик даражаси 82,5 фоиздан кам бўлмаган сариеғ етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади.

Мазкур озиқ-овқат маҳсулоти ГОСТ талабларига жавоб бериши ҳамда гигиена ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши лозим.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг.

Етказиб бериш шартлари — буюртмачининг омиборига.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Тижорат тақдирларини қабул қилишнинг охириги мuddати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

**ЭЪЛОНЛАР**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

**232-11-15,**

**232-10-63.**

E-mail: reklama@xs.uz

**Р. Глиэр номидаги**

**РЕСПУБЛИКА**

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН**

**МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ**

(мактаб синфларига)

2018/2019 ўқув йили учун

1 ва 5-синфларга

ўқувчилар қабулини

эълон қилади.

Ҳужжатлар 2018 йил 22 майдан 8 июн гача соат 9.00 дан 14.00 гача топирилиши керак.

Маслаҳат кунлари — 26 майдан 8 июн гача.

Қабул имтиҳонлари 9 ва 10 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зие кўчаси, 4-уй.

Телефон: (0-371) 246-03-24.

28, 76, 131, 87, 34-автотусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси